



MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN
STATE INSTITUTE OF ARTS AND CULTURE

ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X
SCIENTIFIC
METHODICAL
JOURNAL
VOLUME 3 ISSUE 4
DECEMBER 2022

KOKAND

MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN

FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN STATE INSTITUTE OF
ART AND CULTURE

ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X
SCIENTIFIC METHODOICAL JOURNAL
VOLUME 3 ISSUE 4 / DECEMBER 2022

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2021 yil 31 iyuldagi №303/6-sonli qaroriga asosan "Oriental Art and Culture" ilmiy-metodik elektron jurnali San'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etiladigan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.



KOKAND

86.	Gulmira Bektursinova, Nursultan Salawatdinov O'ZBEKISTON TASHQI MADANIY ALOQALARIDAGI O'ZIGA XOSLIKLAR	495
87.	O.Tillaxo'jayev OZARBAYJON MUMTOZ MUSIQASI ORQALI O'QUVCHILARDA BAYNALMINALLIK FAZILATINI SHAKLLANTIRISH	501
88.	E'zozxon Bakirovna Qobilova YOSHLARDA IJODKORLIK FAZILATINI SHAKLLANTIRISHDA G'ULOMJON XOJIQULOVNING HAYOTI VA IJODINING O'RNI	505
89.	E'zozxon Bakirovna Qobilova O'ZBEKISTONDAGI HUDUDIY XONANDALIK MAKTABLARI VA XONANDALIK USLUBLARINI O'RGANISHNING AHAMIYATI	511
90.	A.A.Atamov, J.G'.Yuldashev, D.A.Qayumov, O.I.Dadamirzaev OLYIY TA'LIM MUASSASALARIDA ISTE'DODLI TALABALARNI TANLASH VA ULAR BILAN SAMARALI ISHLASH YO'LLARI	518
91.	Zulxorbek Zaynabidinovich Turapov KOMPOZITOR SH.SOBIROVNING DUTOR BAS VA FORTEPIANO UCHUN MAXSUS YOZGAN "TALQIN" KUYINING IJRO TAHLILI	523
92.	Munojatxon Asqarova ADABIY TANQIDDA UMUMLASHTIRUVCHI TADQIQOTLARNING AHAMIYATI	527
93.	G.Kaxxorova FORTEPIANO ANSAMBLI VA IJRO KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	532
94.	Ulug'bek Rahmonov, Abdusalom Soliev QO'G'IRCHOQ SAN'ATI O'YININI MUSIQA MADANIYATI HAYOTDA TUTGAN O'RNI	536
95.	Дилноза Муртазоевна Кодирова КАТТА ВА КИЧИК ГУРУХЛАРДАГИ ЎҚУВЧИ ШАХСИГА ИНДИВИДУАЛ- ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	542
96.	Davrbek Abdurahmonov, R.Dehqonov REJISSORNING AKTYOTLAR BILAN ISHLASH QOBILYATINI RIVOJLANTIRISH	548
97.	Дильфуза Абдумажитовна Абдухаликова АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ СТУДЕНТОВ ИНСТИТУТА ИСКУССТВ И КУЛЬТУРЫ	553
98.	Erkinoy Saitova SURXON RAQS SAN'ATINING SHAKLLANISHI	557
99.	Shoxrat Charievich Amanmuradov TEATRLASHTIRILGAN TOMOSHALARNI O'TKAZISHDA OVOZ REJISSORINING ROLI	562
100.	Mardiev Abdusamad o'g'li Shahbozxon, Xolmo'minov Zokir o'g'li Mo'minmirzo JAMIYAT IJTIMOYIY HAYOTIDA MUSIQANING TUTGAN O'RNI	568
101.	U.Rasulov SHASHMAQOM MUSHKILOT BO'LIMINING IJROCHILIK XUSUSIYATLARI	573
102.	Shaxabatdin Maxamatdinov, Islam Urazbayev O'ZBEKISTONDA MUZEYLAR FAOLIYATI	579
103.	Hadicha Mamadaliyeva, L.Sh.Jo'rayeva, Mamajonova Dildoraxon Abduraxmonovna SOQINOMAI SAVTI KALON MAQOMI	586
104.	Samandar Sobir o'g'li Sobirov TANBUR SOZINING KELIB CHIQQISHI VA IJROCHILIK USLUBLARI	592
105.	B.G'ofurova BO'LALAK AKTYORLAR BILAN TANLANGAN ASARNING DRAMATIK TAHLILI USTIDA ISHLASH	597

КАТТА ВА КИЧИК ГУРУҲЛАРДАГИ ЎҚУВЧИ ШАХСИГА ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилноза Муртазоевна Кодирова
Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақолада расмий ва норасмий гуруҳлардаги ҳар бир ўқувчи шахсини, унинг ижтимоий-психологик табиатини, имкониятларини ва ўзига хос психологик истиқболларини айнан, у фаоллик кўрсатаётган кичик гуруҳлар доирасида талқин қилиш, ҳамда шу талқинлар асосида унга муайян даражадаги психологик хизматлар кўрсатиш таълим-тарбия муассасалари олдида турган муҳим вазифа эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Психологик хизмат, индивидуал ёндашув, динамик хусусият, интеллектуал тараққиёт, психологик маслаҳат, психокоррекция.

FEATURES OF THE INDIVIDUAL PSYCHOLOGICAL APPROACH TO THE STUDENT'S PERSONALITY IN FORMAL AND INFORMAL GROUPS

Dilnoza Kodirova
Bukhara state university

Abstract: The article aims to interpret the personality of each student in formal and informal groups, their socio-psychological nature, opportunities and specific psychological perspectives in small groups in which he is active, and on the basis of these interpretations to provide him with a certain level of psychological service is an important task.

Keywords: Psychological service, individual approach, dynamic characteristics, intellectual development, psychological counseling, psychocorrection.

Бугунги кунда амалга оширилаётган таълим ислохотлари, тобора юксак поғоналарга кўтарилиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланишга жавоб бера олувчи жамият ва шахс эҳтиёжларининг ўзаро вобасталиги замирида шаклланаётган гуруҳий фаоллик жараёнларини муайян психологик мезонлар асосида ўрганишга қаратилган тадқиқот йўналишларини белгилаш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, шахс ва унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири бу - шахснинг маънавий ва интеллектуал

имкониятлари бўлса, иккинчиси эса мазкур имкониятларни рўйбга чиқиши учун хизмат қилувчи ижтимоий муҳит, гуруҳий фаоллик жараёнларидир. Бу жараёни тегишли ижтимоий-психологик меъёрлар асосида тадқиқ қилиш орқали умумтаълим мактабларида психологик хизмат самарадорлигини таъминлаш масаласига жиддий эътиборни қаратиш лозим.

Шахснинг шаклланиши динамик хусусиятга эга. Шунинг учун, унинг ривожланишида гоҳо илгарилаб кетиш, гоҳо тараққиётдан орқада қолиб кетиш ҳолатлари кузатилади. Оқибатда, баъзан ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларида ўзини ўзи маҳкум қилувчанлик белгилари намоён бўлиши кузатилади. Улар ўзларининг жисмоний ва руҳий саломатликлари билан борлик, хотиржамликнинг қадрига етмайдилар, турли жисмоний шикастланишлар, руҳий тушкунликлар натижаси ўлароқ ўз истиқбол режаларини туза олмайдилар, худди шу боис, ўзларининг ижтимоий мавқеларига путур етказдилар.

Шахс камолоти ва интеллектуал тараққиёти бўсағасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик нуқсонлар ва бузилишларга эътибор қаратиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш ўз вақтида бундай нуқсонларни олдини олиш ҳисобланади.

Таълим - тарбия жараёнида ўқувчиларга индивидуал ёндашув зарурлиги ҳамма томонидан тан олинган, лекин ундан амалда фойдаланиш асосан иш эмас. Бунга мактабда ўқитувчиларнинг бола ҳақида кўп гапиришлари далил бўлади. Чунки, мактабда ўқувчининг қобилиятлари, шахснинг асосий хислатлари ҳақида чуқур ва ҳар томонлама маълумот берадиган мутахассис йўқ.

Таълим-тарбиядаги индивидуал ёндашув, болани бошқалардан ажратиб индивидуал ўқитишни билдирмайди, балки шахснинг у ёки бу хислатларининг шаклланишида махсус шароитларни ҳисобга олиш, ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларини илмий асосда тушунишни аниқлатади.

Индивидуал ёндашувнинг вазифаси - ривожланишнинг индивидуал усулларини, боланинг имкониятларини аниқлаб, ҳар бир шахснинг фаоллигини таъминлашдан иборат. Бу нуқтаи назардан олганда, индивидуал ёндашув фақатгина «тарбияси қийин» болаларга эмас, барча ўқувчиларга ҳам зарурлиги тушунарли бўлади. Коллеж психологлари бу усулни у ёки бу шаклда қўллайдилар, чунки бу кўзга ташланиб турган қийинчиликлар билан биргаликда, бола шахсий тараққиётининг баъзи яширин нуқсонларини ҳам топишга ёрдам беради.

Бундай ташхис ишининг асосий мақсади - ўқувчи психик тараққиётининг умумий ҳолатини билишдан иборат. Бундай кўп қиррали ва тўлиқ ташхис натижалари психолог учун ҳам, ота-оналар, ўқувчилар учун ҳам «тарбияси қийин» бола билан олиб бориладиган тузатиш ва ривожлантириш ишларининг

йўллари аниқлаш имконини беради. Индивидуал ёндашув услуби ютуқлар билан бирга, камчиликларга ҳам эга.

Биринчидан, бу усулни қўллаш жуда кўп вақтни олганлиги учун, уни амалга оширишнинг ҳар доим ҳам иложи бўлмайди. Бу усул кўп вақтни талаб қилганлиги учун фақатгина психолог эмас, «тарбияси қийин» ўқувчи ҳам чарчайди, текширувда иштирок этишдан бош тортади, топшириқларни ўзи сезмаган ҳолда номига бажаради. Тажрибадан маълум бўлишича, айниқса оғзаки методикалар қанчалик тўлиқ бўлмасин, қийинчилик туғдиради. Бундан ташқари бундай методикалар шахсни тўлиқ характерлаш учун етарли бўлмайди.

Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар психолог томонидан ҳар хил шаклларда, вазиятларда ва ҳолатларда индивидуал тарзда ташкил қилинади:

а) амалий психологнинг махсус иши, машғулоти айрим болалар, ўқувчилар ва талабалар билан алоҳида ўтказилиши режалаштирилади;

б) психологларнинг бошқа бир фаолияти махсус равишда амалга оширилиб, болалар, ўқувчилар, талабалар гуруҳларига тарбиявий таъсир ўтказишга йўналтирилган бўлади;

в) ота-оналар, педагогик жамоа иштирокида тарбиявий тадбирлар тарзида машғулотлар, тушунтириш ишлари олиб бориш назарда тутилади.

Ривожлантирувчи ва психокоррекцион ишлар дастурини шундай тузиш керакки, унда коррекцион ишга жалб қилинган ўсмирнинг қадриятга йўналганлиги, этнопсихологик ва этномаданият хусусиятлари ўз аксини топсин. Дастурни халқ, этнос, миллат, элат тарихи, анъаналари, расм-русумлари, удуми, одати, стереотипи кабиларни ҳисобга олган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқ. Ўрта махсус таълими ўқувчилари билан мураббийлар ўртасидаги номутаносибликни йўқотиш мақсадида махсус машғулотлар ўтказиш: улардаги ўқишдан, ижтимоий муҳитдан, эгаллаган ўрнидан, мавқеидан қониқмаслик ҳиссини камайтириш учун тренинг, ишчанлик ўйинлари, психодрамадан фойдаланилади. Эмоционал зўриқишнинг олдини олиш ва уни камайтириш ниятида махсус хоналар жиҳозлаш (хона жаҳон стандартларига жавоб бериши, бошқарув пулти, экран воситалари, аудиотренинг, социал тренинг, техник воситаларига, илмий-амалий методикаларга эга бўлиши) га аҳамият қаратиш зарур.

Коррекцион ишлар маълум тартибда, илмий танлов асосида, муайян сеанс бўйича ўтказилиши шарт. Бунда эмоционал зўриқишга учраган шахс миллати, ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусияти, таъсирланиш даражаси ҳисобга олинishi керак; тузатиш ишлари машғулоти, фаолият, касб хусусиятига мос, мутаносиб бўлиши, таъсир ўтказиш самарадорлигини оширади.

Ёндашувнинг психологик шартлари, таълим -тарбиядаги нуқсонларнинг олдини олиш омиллари, йўллари юзасидан ёрдам кўрсатиши зарур. Болалар, ўқувчилар, талабаларнинг шахсий муаммоларини ҳал қилишда баҳоли қудрат

қўмак бериши даркор. Ота-оналарга тарбиявий ишларни амалга оширишда маслаҳатлар бериш, низоли вазият ва психологик ҳолатларни биргаликда таҳлил қилиш орқали амалий тавсиялар бериллади. Ота-оналарга фарзандларининг тиббий ёрдамга мухтожлиги ёки бошқа муассасаларга мурожаат қилиш зарурият эканлигини айтиш, педагогик одоб билан тушунтириш, берилаётган кўрсатмаларга уларни ишонтириш шарт. Барча қоидаларга ва тасдиқланган ҳужжатларга риоя қилинган ҳолда ўтказиладиган ишларни қайд қилиш ва белгилаш лозим.

Ҳар бир бола фақат ўзига хос билиш руҳий жараёнлари, яъни, сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, тасаввурлари, индивидуал-психологик хусусиятлари, характери, темпераменти, қобилиятлари, эмоционал-иродавий соҳаси, ҳиссиёти, эмоциялари, иродавий ҳулқ-атвор хусусиятлари, фаолият мотивациясига эга бўлади. Маълум ёшдаги болаларнинг психологик хусусиятларини билмай туриб, уларга мақсадга мувофиқ равишда таълим ва тарбия бериб бўлмайди. Боланинг ҳар бир ёши ўз қийинчиликларига эга бўлади ва ўзига нисбатан махсус муносабатда бўлишини талаб қилади. Кичик мактаб ёшидаги болаларга нисбатан психологик жиҳатдан тўғри келадиган ва яроқли бўлган усул кўпинча ўсмирларга нисбатан яроқсиз ва хато бўлиши мумкин. Ўқитувчининг билиши мутлақо зарур бўлган индивидуал фарқлар ҳар бир ёш даврида турлича ёндашувларни талаб қилади.

Бу умумий ҳолат ҳозирги кунда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

1. Ота-оналарни, ўқитувчиларни ва бола тарбиясидаги иштирок этадиган бошқа шахсларни бола психик тараққиётининг ёш ва индивидуал хусусиятларига қараб жалб қилиш.

2. Психик тараққиёт бузилишларини ва ҳар-хил нормадан четга чиқишларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни тиббий, педагогик маслаҳатларга йўллаш,

3. Жисмоний ёки нерв- психик соғлиги кучсизланган болаларда икки марта психологик асоратларнинг олдини олиш ва уларнинг психогигиенаси ва психопрофилактикаси бўйича тавсиялар бериш.

4. Патопсихологлар ва врачлар, педагогик-психологлар билан биргаликда ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқа шахслар учун таълимдаги қийинчиликларни педагогик ва психологик коррекция қилиш бўйича тавсияномалар тузиш.

5. Оилада бола тарбияси бўйича тавсияномалар тузиш (оила психотерапияси мутахассислари билан биргаликда).

6. Болаларга ва ота-оналарга маслаҳатлар беришда махсус гуруҳлар билан махсус тузатиш ишларини олиб бориш.

7. Маърузалар ва ишнинг бошқа шакллари хусусида аҳолини психологик билимлар билан таништириш.

Бунда индивидуал маслаҳат алоҳида ўрин тутати. Маслоҳат бериш вазибаларини ҳал этишда Виготский мактаби психологларининг бола психикаси индивидуал тараққиёти муайян муаммолари бўйича умумий фикрларидан фойдаланиш мумкин. Ирсият ва муҳитнинг таъсирини тан оладиган Ғарб карашларидан фаркли равишда собиқ совет ёш психологиясида бола психик тараққиёти жараёни таҳлилида тараққиётнинг шароити, ҳаракатга келтирувчи кучлари, манбалари ҳам эътиборга олинади. Психик тараққиётнинг индивидуал шароитлари, бола инсоният тажрибасини ўзлаштириши жараёни асосида вужудга келади. Инсоният тажрибаларини ўзлаштириш боланинг фаолиятдан, мулоқотидан, ўйинидан, ўқишидан ташқарида бўлиши мумкин эмас.

Индивидуал маслаҳат фаолияти - психологик текширув, бола тарбиясини аниқлаш ва ёрдам дастурини тузишдан иборат. Психологик олдиндан айтишнинг зарурий мезонлари сифатида Виготский турли даврларга бўлинганлик, кетма-кет ёш босқичларида кенглик ва даражаланган характеристикаларини кўрсатади. Маслоҳат бериш амалиётида шартли вариантни олдиндан айтиш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мумкин, шартли вариантни олдиндан айтиш ҳар хил шароитларни амалга оширганда бола тараққиётининг кейинги боришида мумкин бўлган вариантларни тушунамиз. Бошқача айтганда, у ёки бу ноқулай шароитлар сақланганида, болани қандай эҳтимолли тараққиёт кутиши айтиб берилади.

Индивидуал психологик маслаҳат бериш психолог амалий фаолиятининг энг масъулиятли турларидан биридир. Маслоҳатчининг фикри, психик тараққиёт бўйича ҳар бир баҳоси боланинг кейинги тараққиётга, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг болага нисбатан муносабатига катта таъсир кўрсатиши мумкин, Шунинг учун, индивидуал психологик маслаҳат бола ривожланишини бошидан диққат билан таҳлил қилиб, ҳар хил манбалардан олинган маълумотларга асосланади.

Маълумотлар манбаси сифатида ота-оналар билан суҳбат, ўқитувчининг ота-оналар ҳамда боланинг ўзи билан суҳбати, боланинг ўзи билан суҳбат, болани уйда, мактабда ва бошқа ҳолларда кузатиш психологик тажриба орқали текшириш, ота-оналар билан танишиш, тиббий ҳужжатлар билан танишиш ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Кўпчилик муаллифлар аниқ ҳодисага маслаҳат беришда қуйидаги кетма-кетликни афзал кўради:

1. Ота-оналар билан дастлабки суҳбатда олинган маълумотни таҳлил қилиш ҳамда шифокорлардан, педагоглардан олинган маълумотларни ҳам эътиборга олиш.

2. Боланинг илгариги ривожланиш босқичлари, оиладаги муносабат ҳақида, соғлиги ҳақида маълумот олиши учун ота-оналар билан суҳбат.

3. Бошқа мусасалардан маълумот йиғиш, соғлиги ҳақида маълумот, болани мактабда, уйда бошқа ҳолларда кузатиш. Психологик методлар билан

текширувга муҳим қўшимча сифатида боланинг фаолиятини ёки расмлари, кўзикадиган нарсаларини таҳил қилиш киради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Murtazoyevna, Q. D., & Jamilovna, A. Z. (2021). FEATURES OF EMOTIONS IN THE UPBRINGING OF CHILDREN. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(04), 60-64.
2. Кодирова, Д. М. (2022). Психологические аспекты формирования этических отношений у дошкольных детей. *Science and Education*, 3(2), 1161-1168.
3. Қодирова, Д. М. (2022). Мактабгача ёши ўқувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари. *Science and Education*, 3(5), 1346-1351.
4. Қодирова, Д. М. (2022). Мактабгача ёши ўқувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари. *Science and Education*, 3(5), 1346-1351.
5. Izatovna T. S. PSYCHOLOGICAL APPROACHES OF PARENTS IN THE UPBRINGING OF TWINS IN UZBEK FAMILIES // *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*. - 2021. - Т. 2. - №. 05. - С. 82-87
6. Izatovna T. L., Izatovna T. S. PSYCHODIAGNOSTIC BASES OF THE STUDY OF TWINS IN PSYCHOLOGY // *E-Conference Globe*. - 2021. - С. 98-104.
7. Izatovna T. L., Izatovna T. S. PSYCHODIAGNOSTIC BASES OF THE STUDY OF TWINS IN PSYCHOLOGY // *E-Conference Globe*. - 2021. - С. 98-104.
8. Risnawati, W. I., Astuti, M., Shaxlo, T., Dilafruz, I., & Dilnoza, K. Effect of Work Conflict, Work Stress and Satisfaction working on Employee Erformance at PT. Federal International Financegroup (FIF-Group) Sidoarjo. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 4(4), 69-80.
9. Qodirova D. M. YOSH OILALARDA OILAVIY MUNOSABATNING SHAKLLANISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI // *Oriental Art and Culture*. - 2021. - №. 8. - С. 179-183.
10. Izatovna, T. S., & Murtazoyevna, Q. D. (2022). МАКТАВ YOSHIDAGI EGIZAKLARNING O'QISHDAGI MUAMMOLARNI KORREKTSIYALASH YO'LLARI. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMYI JURNALI*, 2(3), 220-223.
11. Тойирова Ш. Ўзбек оилаларда эгизак фарзандларни тарбиялашдаги ўзига хос психологик муаммолар // *Oriental Art and Culture*. - 2020. - №. 1 (2). - С. 122-125.